



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЬНАВИЙ МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ

Нормўминов Набижон Панжси ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси 318 гурӯҳ курсанти

АНОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид норматив ҳуқуқий ҳужжарларни, Профилактика инспекторининг маънавий маърифий ишларни ташкил этишнинг бугунги холатини, профилактика инспекторларига қўйиладиган аҳлоқий талабларни, профилактика инспекторлари фаолиятида юзага келаётган муаммоли ҳолатларни ва уларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр муроҳазаси тавсиялари билан ўртоқлашиб ўтган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқбузарлик, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликларни умумий, якка, маҳсус, виктимологик профилактикаси, психологик машғулотлар, комплекс механизм.

АННОТАЦИЯ

В данной статье авторы поделились нормативными правовыми актами по профилактике правонарушений, правовыми актами по борьбе с преступностью и организации профилактики правонарушений в нашей стране за последние годы, этическими требованиями к инспекторам профилактики, проблемными ситуациями, возникающими в деятельности инспекторов профилактики, и рекомендациями по их устраниению.

Ключевые слова: правонарушение, профилактика правонарушений, общая, индивидуальная, специальная, виктимологическая профилактика правонарушений, психологическая подготовка, комплексный механизм.

ANOTATION

Through this article, the authors have shared regulatory legal documents on the Prevention of violations, legal documents on the fight against crime and the organization of prevention of violations in recent years in the country, moral requirements for preventive inspectors, recommendations on problem situations arising in the activities of preventive inspectors and their own feedback on their elimination.

Keywords: violation, profiliotics of offenses, general, single, special, victimological prevention of offenses, psychological training, complex mechanism.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши қурашиш борасидаги чора-тадбирларни аниқ манзилли йуналтириш ва уларга комплекс ёндашиш, идоралараро хамкорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг



самарали профилактикасини амалга ошириш борасида хуқуқни муҳофаза қи-
лувчи органлар билан бир қаторда, бошқа давлат органлари ва жамоат
ташкilotларининг хам устувор вазифаси этиб белгиланиши бу борада уларнинг
олдига алоҳида вазифалар белгилаб берилиши ҳуқуқбузарликлар
профилактикасида самарали натижаларга эришишга имкон берди.

Хрзирги вақтда минтақамизда ва дунёда хукм суроётган, олдиндан айтиб
булмайдиган мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий
яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва хамжихатликни
мустахкамлаш қанчалик катта аҳамиятга эга эканини барчамиз чукур англаймиз.
Бу эса ўттан давр мобайнида эришган ютуқдаримиз ва йул куйган
камчиликларимиз, тўпланиб қолган муаммоларни чукур таҳлил қилиш, бугун
ҳаётнинг ўзи илгари суроётган талабларни хисобга олишни тақозо этмоқда.

Ўтган қисқа давр ичида мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида кенг кўламли
ислоҳотлар амалга оширилиб, унинг натижасида ички ишлар органларининг
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими изчил ислоҳ этилди. Ўзбекистон
Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти
самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари,
эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни
таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»
2017 йил 10 апрелдаги 5005-сонли фармони, «Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси ва жиноятчиликка карши курашиш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартағи 2833-
сонли қарорида ижтимоий муаммоларни хал этиш биринчи навбатда аҳоли
бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб
етишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил
етиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек
ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барвакт олдини олишни таъминлаш,
жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ички ишлар
органларининг соҳавий хизматлари хамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари
ва жамоатчилик тўзилмалари билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш каби
қатор вазифалар белгилаб берилган.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар суд-хуқуқ соҳасини
демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг
ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини
oshiришга замин яратди. Шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришнинг

замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади¹

2014 йил 14 майда қабул қилган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Асосий тушунчалар»га бағищланган З-моддасида хуқуқбузарликлар профилактикасиға қуйидагича таъриф берилган: «Хуқуқбузарликлар профилактикаси – хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқачора-тадбирларитизими»².

Айнан мазкур таърифдан ҳамда ички ишлар органларининг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми, тизими, функция ва вазифаларидан келиб чиқиб, **хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад** қонунда берилган ваколатлар доирасида, соҳавий хизматлар имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятни шакллантириш, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ва хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, профилактик таъсир кўрсатиш орқали уларнинг ахлоқини тузатиш, фуқароларни хуқуқбузарликларнинг турлари, содир этилиш усул ва воситалари, ижтимоий хавфи ва бошқалар ҳақида огоҳликка чакириш, хуқуқбузарликлардан жабрланган ҳамда жабрланиш эҳтимоли юкори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиниши ва ижтимоий мослаштирилишида кўмаклашиш кабилардан иборат³

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Биз адолат-қонун устиворлигида» деган тамоил асосида жамиятимизда қонунга хурмат,

¹ Ш.М.Мирзиёвнинг "Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга 21.10. 2016 йил

² 2014 йил 14-майдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги қонун. Манбаа: Lex.uz.сайти: <https://lex.uz/acts/-2387357>

³ Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ўкув қўлланма С.Б Хўжақулов Тошкент 2017. 5-бет



хуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада хуқуқбузарликларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларнинг иш самараси ва маъсулитини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор⁴ деб таъкидлаб ўтди.

Профилактика инспектори ўз фаолиятида ҳар томонлама фуқороларга ўрнак бўла олиши, ички ишлар органлари ходими деган юксак номга муносиб юриш туриш ва хулқ атворга эга бўлиши керак. Биз бундай хулқ-атвор қаторига: чидамлилик, бардошлилик, мардлик, олийжаноблик, камтарлик, босиқлик каби сифатларни киритиб ўтамиз. Профилактика инспектори доимо унинг қиёфасига унинг муомаласига қараган ҳолда бутун ички ишлар идоралари ходимларига баҳо беришини унутмаслиги, шу сабабли унинг зиммасидаги юксак маъсулятни англаған ҳолда вижданан ишга муносабатда бўлиши керак.

Профилактика инспектори фаолиятидаги тизимликамчиликлар қаторига биз профилактика инспекторининг фаолиятига психолигик билмлар ниҳоятда зарур эканлигини эътборимизни қаратдик. Профилактика инспектори кунлик фуқоролар билан ишлаб уларнинг ҳар қандай мурожаатларини оръганади ва ваколати доирасида ҳал қиласди. Шундай масалани ҳал қилиш учун ҳар кунда юзлаб фуқоролар билан ўзаро сухбатлашади. Бундай мулоқотга киришганда профилактика инспектори билан жуда ҳам норози кайфиятда бўлган, маълум гўёки унинг ҳуқуқлари жиддий бузилгандек кўрсатадиган фуқоролар ҳам йўқ эмас. Улар билан мулоқотга киршишлиқ профилактика инспекторидан алоҳида муомала маданияти босиқлик ва тажибани талаб этади. Профилактика инспекторларининг барчалари ҳам бундай маҳоратларга эга бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли биз Республикаиздаги барча туман шаҳарларида хизмат қилаётган профликика инспекторлари учун ҳудудий Олий таълим муассасалари ва мактаб колежлардаги малакали психологларни жалб қилган ҳолатда ўқув машғулотлари ташкил этиш. Ҳозирга вақтда амалётда учрайдиган психологик муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан ўзаро фикр алмашиладиган механизмни яратиш мақсадга мувофиқ деб ҳосиблаймиз.

⁴ Шавкат Мирзиёев.«Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таминлаш-юрг тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови».Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasи/ Ҳалқ сўзи.-2016. №243(6678).- Б.1-3.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёевнинг "Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга 21.10. 2016 йил
2. 2014 йил 14-майдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги қонун. Манбаа: Lex.uz.сайти: <https://lex.uz/acts/-2387357>
3. Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ўқув қўлланма С.Б Хўжақулов Тошкент 2017. 5-бет
4. Шавкат Мирзиёев.«Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таминалаш-юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови».Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси/ Ҳалқ сўзи.-2016. №243(6678).- Б.1-3.

